

ЭЛЕКТРОН ОФЕРТА

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг филиали (кейинги ўринларда – Банк), бир томондан, ва Банк томонидан муомалага чиқарилган “Mastercard” банк картасининг эгаси бўлган ҳамда қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишини электрон шаклда акцептлаш орқали билдирган жисмоний шахс (кейинги ўринларда – Омонатчи), иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур Электрон офертани туздик.

1-§. Электрон оферта предмети

1. Омонатчи Электрон офертани акцептлагандан сўнг, ўзининг “Mastercard” банк картасининг махсус ҳисобварағидаги пул маблағини “TRUSTPAY” мобил иловаси воситасида “Онлайн-инновация” муддатли банк омонатига (кейинги ўринларда – оферта омонати) ўтказди.

2. Банк Электрон офертага асосан Омонатчи томонидан ўтказилган пул маблағини оферта омонатига қабул қилади, унга фоиз ҳисоблайди ва муддати тугаганда уни қайтаради ҳамда Омонатчининг мазкур омонат ҳисобварағини масофадан туриб бошқаришига рухсат беради.

2-§. Оферта омонати шартлари

3. Оферта омонатининг минимал миқдори 100 (бир юз) АҚШ доллари.

4. Оферта омонати биринчи бадал киритилган кундан бошлаб 24 ой муддатга қабул қилинади.

5. Оферта омонатининг фоиз ставкаси йилда 365 кун ҳисобидан йиллик 5 фоиз.

6. Оферта омонатига дастлабки 12 ой давомида ҳар ойда бир марта қўшимча бадал киритилиши мумкин. Қўшимча бадалнинг минимал миқдори: 100 (бир юз) АҚШ доллари.

7. Оферта омонати муддати давомида оферта омонатининг бир қисмини олиш кўзда тутилган. Бунда оферта омонатидаги маблағ қолдиғи 1000 (бир минг) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

8. Жалб қилинган оферта омонати бўйича фоиз ставкаси унинг муддати тугагунга қадар ўзгармайди.

9. Оферта омонати бўйича фоиз ушбу омонат Банкка қабул қилинган куннинг кейинги санасидан бошлаб оферта омонатини Омонатчига қайтариладиган кунгача ҳисобланади.

Омонатчининг оферта омонати ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида Банк оферта омонатидаги пул маблағидан фойдалана олмаган давр учун фоиз ҳисобланмайди..

10. Оферта омонати бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда Омонатчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағига (20206840) автомат тарзда ўтказиб берилади.

11. Омонатчи оферта омонатини муддати тугамасдан тўлиқ қайтариб олмоқчи бўлса, у бу ҳақда Банкни омонатни олишни мўлжаллаган санадан камида бир ой олдин огоҳлантиради. Бунда Электрон офертанинг амал қилиши тўхтатилади, оферта омонати муддатидан олдин қайтарилади ва оферта омонатига ҳисобланган фоиз қуйидаги шартлар асосида тўлиқ турган ой учун тўланиди:

а) оферта омонати 6 ойдан кам муддат давомида турган бўлса, ҳисобланган фоиз тўланмайди;

б) оферта омонати 6 ойдан 9 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, оферта омонатига йиллик 4 фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади;

в) оферта омонати 9 ойдан 12 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, оферта омонатига йиллик 4,5 фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади;

г) оферта омонати 12 ойдан 24 ойгача бўлган муддат давомида турган бўлса, оферта омонатига йиллик 5 фоизлик ставкада фоиз ҳисобланади ва тўланади.

Тўлиқ бўлмаган ой давомида сақланган оферта омонатига ҳисобланган фоиз бекор қилинади ва тўланмайди.

Оферта омонати муддати давомида тўланган фоизнинг ортиқча қисми мавжуд бўлса, у оферта омонати маблағидан ушлаб қолинади.

12. Оферта омонатининг муддати тугагандан сўнг оферта омонатидаги маблағ, уни Омонатчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағига (20206840) автомат тарзда ўтказиш орқали, Омонатчига қайтарилади.

3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Омонатчининг ҳуқуқлари:

а) ушбу Электрон офертани акцептлаш бўйича мустақил қарор қабул қилиш;
б) мазкур Электрон оферта шартлари доирасида оферта омонатини мустақил тасарруф этиш ва масофадан туриб бошқариш.

14. Омонатчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Электрон оферта шартлари билан танишиш;
б) оферта омонати ҳисобварағи очиш учун Банк томонидан муомалага чиқарилган “Mastercard” банк картаси эгаси бўлиш;
в) “Mastercard” банк картаси махсус ҳисобварағида оферта омонати очиш учун етарли миқдорда пул маблағига эга бўлиш;
г) “TRUSTPAY” мобил иловасида оферта омонати ҳисобварағи очиш учун зарур барча амалиётларни кетма-кетликда амалга ошириш;
д) оферта омонати ҳисобварағидан амалиётларни амалга ошириш жараёнида “TRUSTPAY” мобил иловасидаги узилишлар ёки техник носозликлар ҳақида Банкка телефон орқали хабар бериш;
е) “TRUSTPAY” мобил иловасига кириш учун берилган логин, пароль ва PIN кодни учинчи шахсга ошкор қилмаслик.

15. Банкнинг ҳуқуқлари:

а) Омонатчининг талабига кўра оферта омонати муддати тугамасдан қайтарилганда, оферта омонати муддати давомида ортиқча тўланган фоиз бўлса, уни оферта омонати маблағидан ушлаб қолиш;

б) Омонатчининг оферта омонати ҳисобварағи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатланганда, ушбу ҳисобварақ орқали чиқим амалиётларини бажаришни тўхтатиш.

16. Банкнинг мажбуриятлари:

а) оферта омонати шартларини Банкнинг расмий веб-сайтига киритиш;
б) Электрон оферта Омонатчи томонидан акцептлангандан сўнг оферта омонати маблағини кирим қилиш ҳамда ушбу омонат бўйича операцияларни қайд этиб бориш мақсадида Омонатчининг номига автоматик тарзда тегишли ҳисобварақларни очиш;

в) Электрон офертада белгиланган шартлар асосида оферта омонатига фоиз ҳисоблаш ва уни ҳар ойда Омонатчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағига (20206840) автомат тарзда ўтказиб бериш;

г) Омонатчи оферта омонатини муддати тугамасдан қайтаришни талаб қилганда, оферта омонатини, ушбу Электрон офертанинг 11-бандига мувофиқ, муддатидан олдин қайтариб бериш;

д) оферта омонатининг муддати тугагандан сўнг оферта омонатидаги маблағни Омонатчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағига (20206840) автомат тарзда ўтказиш орқали Омонатчига қайтариш;

е) оферта омонатига оид банк сирини ташкил этувчи маълумотлар сир сақланишини таъминлаш;

ё) Омонатчининг оферта омонати ҳисобварағи бўйича амалиётлар Банк томонидан тўхтатиб қўйилганда, амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Омонатчига унинг оферта омонати ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаби юзасидан хабарнома юбориш;

ж) Омонатчининг кредит ва микроқарз бўйича қарздорлигини сўндириш учун унинг

оферта омонати ҳисобварағидан маблағ Банк томонидан Омонатчининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Омонатчига унинг оферта омонати ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома юбориш.

5-§. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Томонлар мазкур Электрон оферта шартларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

6-§. Форс-мажор ҳолатлар

18. Томонлар форс-мажор ҳолатлар амал қилган даврда Электрон оферта бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор ҳолатларга қуйидагилар киради: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, курғоқчилик ва суғурта шартномасида санаб ўтилмаган бошқа табиий ҳодисалар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, қамаллар, давлат ташкилотларининг ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) оқибатида келиб чиққан фавқулодда, жорий шароитда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар Электрон офертани бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

Форс-мажор ҳолатлар юзага келганда ва тўхтаганда томонлар бир-бирини хабардор қиладилар. Хабарнома томонларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда мажбуриятларни бажариш муддатини томонлар форс-мажор ҳолатлар амал қилган даврга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

7-§. Бошқа шартлар

19. Омонатчи ўтказган пул маблағи Банкдаги оферта омонати ҳисобварағига нақд пулсиз кўринишида келиб тушган кундан бошлаб Электрон оферта тузилган ҳисобланади.

20. Мазкур Электрон оферта 16-бандининг “ё” ва “ж” кичик бандларида назарда тутилган хабарномалар Омонатчига унинг мобиль телефониغا телеграм канали орқали жўнатиш орқали топширилади.

21. Банк мазкур Электрон оферта шартларига Омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатига дахл қиладиган ўзгартиришларни бир томонлама киритишга ҳақли эмас.

22. Оферта омонатининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” қонунига мувофиқ кафолатланади.

23. Мазкур Электрон офертада назарда тутилмаган барча ҳолатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

24. Томонлар барча келишмовчилик ва низоларни музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилади.